


МУСТАҚИЛЛИК - БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР



ADOLAT

Inson manfaatları — oliy qadriyat

№36
(688)
2008 йил,
22 август, жума

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ҒАЛАБА

XXIX ёзги Олимпия
ўйинларида эркин кураш
бўйича ҳамюртимиз
Артур Таймазов
ўз вазн тоифасида
олтин медалга
сазовор бўлди


Пекин олимпиадаси бах-
ларининг охири кунлари
мамлакатимиз спортчилари
учун муваффақиятли кеч-
моқда. Кеча мусобақа дав-
туридан жой олган эркин
кураш беллашувлари ниҳо-
ясига етди.

Беллашувларнинг даст-
лабки кунда 55 кг. вазн
тоифасидаги курашчилар
гиламга чиқдилар. Кўпчи-
лик айнан шу вазн тоифа-
сида ҳамюртимиз икки кар-
ра жаҳон чемпиони Дилшод
Мансуровдан медал кута-
ётганди. Бироқ дастлабки
учрашувларда Қозғистон,
Белорусия курашчиларини
енган вакилимиз чорак фи-
налда япониялик Мацуна-
гага ютқазиб қўйди. Нати-

жада бронза медали учун
курашишдан бошқа чора
тополмади. Аввалига турк-
манистонлик курашчини
мағлубиятга учратган Дил-
шод афсуски, бронза меда-
ли учун кечган учрашувда
россиялик Бесик Кудухов-
дан енгилди — 0:3.

74 кг. вазн тоифасидаги
курашчилар ўртасидаги
беллашувларда юртимиз
шарафини ҳимоя қилган
Осий ва жаҳон чемпионат-
лари совриндори Сослан
Тигиев барча рақибларини
енгиб, ҳал қилувчи бахсга
йўлланма олди.

4-бетга ўқинг



МАЪНАВИЯТ — ЮКСАК МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юксак маънавият — енгилмас
куч" асарини жойларда, хусусан, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг мазмун-моҳиятини,
асарда баён этилган ғоя ва фикрларни ёшларнинг онгига чуқурроқ синдириш мақсадида турли
тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Қо-
қалпоғистон Республикасининг Беруний
тумани марказидаги Маданият саройида
бўлиб ўтди. Унда олим ва мутахассислар,
ёзувчи ва шоирлар, талаба ва ўқувчилар
иштирок этди.

Мазкур асар энг долзарб масалалар-
дан бири — ҳалқимизнинг онги ва тафак-
курини бойитиш, маънавиятини юксалти-
риш, дунёқарашини янада кенгайтириш-
га қаратилган. Зеро, китобда таъкидлан-
ганидек, маънавият жамият ҳаётидаги
ғоявий, маърифий, маданий ва ахлоқий
қарашларни ўзида мужассам этади. У ин-
сонни руҳан поклагани, қалбдан улғайи-
шга қўлайдиган, одамнинг ички дунёси,
иродасини бақувват, иймон-эътиқодини

бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган
бекиёс куч, унинг барча қарашлари мезо-
нидир.

Юртбошимиз асари тарғиботида бағиш-
ланган мазкур учрашувда Ўзбекистон Қажра-
мони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла
Орипов, шоирлар Рустам Мусурмон, Улмам-
бет Хўжаназаров, Бахтиёр Генжемурат ва
бошқалар сўзга чиқиб, асарнинг ғояси, унда
белгиланган долзарб вазифалар ҳақида ат-
рофлича тўхталдилар. Китобнинг келажак
авлод тарбияси, миллий қадриятларимиз,
анъана ва урф-одатларимизни асраб-авай-
лаш борасидаги аҳамияти хусусида ўз фикр-
мулоҳазаларини билдирдилар.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎзА мухбири

Фракция ййғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон
"Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг
наёбатдаги ййғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик
партияси фракциясининг Олий Мажлис Қонунчилик пала-
тасидаги демократик блокка қўшилиши тўғрисидаги муро-
жаати кўриб чиқилди.

ПАРТИЯЛАР ҲАМЖИҲАТЛИГИ

мамлакат истиқболига хизмат қилади

Таъкидландики, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш,
фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мамлакатимиз-
даги ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда
сиёсий партияларнинг ҳамкорлиқдаги ҳаракати муҳим
аҳамиятга эга.

— Жаҳон таърибаси шунини кўрсатадики, мамлакат ҳуду-
дидаги сиёсий партиялар турли блокларга бирилашиб
қонунларни сифат жиҳатдан яхшилашга интилади, — деди
фракция аъзоси Худойёр Маматов. — Бундан ташқари,
улар ўз мақсадларини ҳамфикр бўлган партия билан
ҳамкорликда амалга ошириб боради. Жорий йилда кучга
кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демок-
ратлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда
сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги
Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партия-
ларнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориб, юртимизни
ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини
қўшилиши учун замин яратди. Ўзбекистон "Миллий тикла-
ниш" демократик партияси фракциясининг демократик
блокка қўшилиши тўғрисидаги мурожаатини мана шундай
ҳаракатлар сирасига киритиш мумкин.

Мазлумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган партия-
ларнинг умумий мақсадлари муштарак. Яъни ватанимиз-
ни ҳар томонлама раванқ топишини таъминлаш, юрт
тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги ислохотларни янада
чуқурлаштиришда ягона куч бўлиб ҳаракат қилишдир.
Ййғилишда қўрилган масалалар юзасидан иштирок-
чилар фикри ўрганилди ва тегишли қарорлар қабул
қилинди.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.



ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ СЕКТОР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИГА БЕРГАН БАҲОСИ

Жаҳон банки гуруҳига
кирувчи Халқаро молия
корпорацияси (ХМК) дунё-
нинг 178 мамлакатига ху-
сусий сектор учун ишбилар-
монлик муҳитини баҳолаш-
ни ўз ичига олган навбат-
даги "Doing business" йил-
лик ҳисоботини эълон
қилди. Ҳисоботда 2006-
2007 йилларда Ўзбекистон
ишбилармонлик муҳитини
такомиллаштириш бораси-
да сезиларли ривожланиш-
га эришгани, амалга оши-
рилган ислохотлар натижа-
сида корхоналарни рўйхат-
га олиш тартиби содда-
лаштирилгани, бизнесни
ихтиёрий тугатиш жараёни
тартибга солингани, мулк
ҳуқуқини бериш қиймати
кискартирилгани ва корхо-
нага солиқ юки камайти-
рилгани, бу эса, ўз навба-
тида, Ўзбекистонга Шар-
қий Европа ва Марказий
Осиёдаги етакчи ислохот-
чи мамлакатлардан бирига
айланиш имконини берган-
ни қайд этилган.

Янги кичик бизнес
корхоналарини ташкил
этиш. Ўзбекистонда таъ-
сис ҳужжатларини тўлиқ
текширувдан ўтказиш ама-
лиётини бекор қилиш
ҳисобидан корхоналарни
давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби ва ички тартиблар
соддалаштирилган, рад
этиш учун жиддий асослар
белгиланган. Солиқ орган-
лари ва давлат статистика
органларида ҳисобга
қўйиш "битта жойда" тизи-
ми бўйича бир кун даво-
мида амалга оширилди.
Жорий этилган мазкур янги

тартиб тадбиркорларга 16
кунни тежаб қолиш имко-
нини беради.

Бизнес учун лицензия
ва рухсатномалар олиш.
Ўзбекистон тадбиркорлик
фаолияти соҳасида лицен-
зиялар амал қилишининг
энг кам муддатини 1 йил-
дан 5 йилгача узайтирди.
Айни пайтда, туризм, аудит,
биржа ва қимматли қозғал-
лар бозорида профессио-
нал фаолият кўрсатиш со-
ҳасида тадбиркорлик билан
шуғулланишнинг 13 тури
учун амал қилиш муддати
чекланмаган лицензиялар
берилмоқда.

Мол-мулкни рўйхатга
олиш. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкамаси-
сининг 2006 йил 7 июнда
қабул қилинган "Нотариал
ишларни бажарганлик учун
давлат божни ставкалари ти-
зимини такомиллаштириш
тўғрисида"ги 109-қарорига
мувофиқ тураржой ва ноту-
раржой кўчмас мулкни аж-
ратиш шартномаларини но-
тариал тасдиқлаш учун дав-
лат божни энг кам иш ҳақи
микродини инобатга олган
ҳолда ҳисобланмоқда. Шу
муносабат билан мулк
ҳуқуқини бериш жараёни
қиймати давлат божини мулк
қийматининг 10 фоизидан
бино майдони асосида
ҳисоблаб чиқилган йнғим
микдорида камайтириш
орқали пасайтирилди. Жо-
рий этилган ўшбу янги тар-
тиб Ўзбекистонга мол-мулк-
ни рўйхатга олиш соҳасида
дунёнинг ўн та етакчи исло-
хотчи давлатлари қаторига
қўшилиш имконини берди.

Солиқ солиш. Ўзбекис-
тонда 2008 йилнинг январь-
ридан даромад солиғи 10
фоизгача камайтирилди.
2006 йилда бу кўрсаткич 12
фоиз, 2005 йилда 15 фоиз-
ни ташкил этган. 2007 йил-
да ягона ижтимоий тўлов
ставкаси 2004 йилдаги 33
фоиздан 24 фоизгача пасай-
тирилди. Микрофирмалар ва
кичик корхоналар учун аго-
на солиқ тўлови ставкаси 13
фоиздан 8 фоизгача, савдо
корхоналари учун 4 ва умум-
ий оғватланиш корхонала-
ри учун 10 фоизгача қис-
қартирилди.

Корхоналарни тугатиш.
Ўзбекистон ўшбу соҳада ду-
нёдаги 10 етакчи ислохотчи
давлатлар рўйхатидан жой
олган. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентининг Ислам
Каримовнинг 2007 йил 27
апрелда кучга кирган фар-
монида тадбиркорлик
субъектларини ихтиёрий туга-
тиш ва уларнинг фаолият-
тини тўхтатиш тартиби
белгилаб берилган. Мазкур
фармонда ўшбу жараёнда
иштирок этадиган давлат
органлари рўйхати ва зарур
ҳужжатларнинг аниқ рўйхати
белгилаб қўйилган. Янги тар-
тибда корхоналарни "битта
жойда" тизини бўйича туга-
тиш ҳам назарда тутилган.

Зарур ислохотлар.
Айни пайтда ер участкала-
рини кадастр орқали рас-
мийлаштириш, қурилиш ва
муҳандислик коммуника-
цияларига қонуний улашиш
учун рухсат олиш жараёни-
ни соддалаштириш масала-
лари кўриб чиқилмоқда.

(ЎзА)

Тадбир

ЭНГ УЛУҒ, АЗИЗ БАЙРАМ



Мустақиллик миллат
гурурини тоғдек кўтарди-
ган, ўз ёри, озода халқи ва

мусавффо осмони билан
фахрланишдек улғу туйғуга
ошно этадиган илоҳий
неъматдир. Зеро, истиқлол-
ни эъзозлаш инсон қадри-
ни юксаклик қадар буй
кўрсатишга олиб келади.
Халқимизнинг энг азиз ва
энг улғу байрамнинг нишон-
ланиши аждодларимиз ру-
ҳини шод этиб, юртдошла-
римиз қалбига Ватанга му-

ҳабат туйғуларини шаклан-
тиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг 17 йил-
лик тўйини нишонлаш ара-
фасида турибмиз. Шу сабаб-
ли байрам шўхуқини Ватани-
миз сарҳадларидан тантанали
нишонланиш таъминлаш ва
унинг аҳамиятини омма ора-
сида тушунириш ишлари шу
кунларда кенг қулоқ ёймоқ-
да. Ана шундай масъулият-
ли, эзгу ва шарафли вазифа-
ни дилдан ҳис этган Ўзбеки-
стон "Адолат" социал-демок-

ратик партияси Сиёсий Кен-
гаши ва Тошкент шаҳар Кен-
гаши фаоллари Мустақиллик-
ка атаб қатор тадбирлар таш-
кил этишни ўз олдига мақ-
сад қилиб қўйди. Хусусан,
пойтахтимизда жойлашган
Бобур номидаги маданият ва
истироҳат боғида ўтказилган
"Бу байрам — барчамизники!"
бутун халқимизники! мав-
зудаги тадбир фикримиз-
нинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик, асрагайман сени то абад!

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМИ

Олтиминчи-етмишинчи
йилларда мен яшаган маҳал-
лада ўзига тўқ, нуфузлироқ
амал эгаси бўларди. Муомо-
ласи юмшоқгина, юриш-ту-
риши ҳам барчага маъқул,
одамохун киши эди. Бир
кун эски гуваля уйи ўрнида
янгидан икки хонали иморат
қуришга тушди.

— Муборак бўлсин, ака,
яхши иш бошлабсиз, — де-
дим симиамия билан.
— Ҳа, энди ўғил-қиз воёга
етиб қолди, келин тушириш
ниятимиз бор...

— Жуда яхши-да, ўғил уй-
лаш, келин тушириш ҳар бир
ота-она орауси... Буюрсин...
Орадан кунлар ўтиб, яна
учрашиб қолдим.

— Ака, бу, усталарингиз
кечаси ишлаб, кундузи дам

олишадими, дейман. Кундуз
кунини ҳеч ким кўринмайди,
эрталаб эса деворингиз кўта-
рилиб қолган бўлади?

У аввалига бироз шош-
гандек бўлдида, кейин паст-
роқ овозда тушунтирди:
— Кундуз кунини ишласа-
лар — ўтган ҳам, кетган ҳам
"Ким қурайпти, эгаси қаер-
да ишларкан?" деб сўрай-
верди. Замонни биласиз,
гап райком ёки органга бо-
риб отса, эртасигаёқ сўро-
ви бошланади: нима кура-
япсан? Пулни қандай топ-
динг...?

Мен уни тушундим. Бошқа
ҳеч нарса сўрамадим ҳам.
Бир кун қарасам, қоронғи-
да шошиб-пишиб машина-
дан янги-янги тунукалар ту-
шираётган экан. Узимни

кўрмаганга солиб ўтдим.
Эртасига тонг азонда ке-
таётиб кўрсам, иморат томи
ёпилибди. У ер-бу ери па-
чақланган, қўйиб бўёқ би-
лан бўйланган тунукалар
қоқилибди...

Кейин билсам, уй эгаси
гап-сўз, сўров-суришти-
ришлардан хавотирланиб,
тунов кунги янги тунука-
ларни атай бироз пачақла-
тиб, (одамлар "эски тунука
экан" дея уйлашсин деб)
бўятиб қоктирипти...

Замон шундай эди.
Яхши яшашни орзу қил-
ган инсон аввал райкомга
партбилетини, кейин
ўзини прокуратурага топ-
ширарди.

(Давоми 2-бетда).

Эл соғлиги — юрт бойлиги



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

ШИРИН СЎЗ ЖОН ОЗИҒИ

Тошкент шаҳар марказий тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг Ирода Мухамедхужаева раҳбарлик қилаётган I таркиб шифокорлари эл соғлигини сақлаш

дек муҳим, айти пайтда шарафли ишни сидқидилдан адо этиб келмоқдалар. Жамоанинг оққўнғил, ширинсўз, меҳри дарё мутахассислари меҳнат қобилиятини йўқотиб,

касалликка чалинган беморларни синчиклаб текшириб, уларга ногиронлик гуруҳларини белгилашмоқда. Соғлиқларини тиклаш учун қўлларидан келган

ёрдларини аяшмапти. Ширин сўзлари ва маслаҳатлари билан хаста кўнғилларга малҳам бўлишмоқда.

Тиббий меҳнат экспертиза хизмати ходимларининг кўмаги билан бу йил 10 нафарга яқин бемор ногиронлик аравачаси билан таъминланди. 30 нафарга яқин ногирон кўлтиқтаёқ ва эшитиш мосламасига эга бўлди. Бир неча минг бемор тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Энг муҳими инсон соғлиги, — дейди олий тоифали невропатолог, I таркиб раиси Ирода Мухамедхужаева. — Бу бебаҳо бойлиқни асраб-авайлаш, пойтахтимиз аҳолиси соғлигини муҳофаза қилиш учун меҳнатимизни аямаймиз. Ширин сўз жон озиғи, деганларидек малакали шифокорлар хизмати беморларга манзур бўлмоқда. Уларнинг хаста, ўқсиқ кўнглини тоғдек кўтараяпти. Дардларига малҳам бўлмоқда.

Мухаббат ЭШПЎЛТОВА.

Суратда: Ирода Мухамедхужаева (ўнгда) олий тоифали шифокорлар — жарроҳ Мавжуда Тўлаганова ва терапевт Саодат Кучова билан.

ЛАЛМИ

ЕРДА...

ОЛМАЗОР

Носирхон отани нафақат Сариосиё туманида, балки бутун Сурхон воҳасида миришкор бобгон сифатида яхши билишди. Туман, вилоят, ҳатто республика тadbirkorлар кўргазмаларида ҳам бобгон етиштирган олмалари, турли полиз маҳсулотлари билан қатнашиб, кўпчилиكنинг назарига тушган оқсоқол бобгонлардан.

У мустақилликнинг дастлабки йилларида Сариосиё туманининг Гулат Хидиров номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмасидан 22 гектар лалми ерни ўзлаштириб, қаттагина боб ташкил қилганди. Бу боб хозирги кунда ҳам энгиз, ҳам бўйича кенгайиб, 50 гектардан ошиб кетди.

— Узим бобдорчилик бўйича мутахассис бўлганим боис, лалми ерда ҳам ҳосил берадиган янги навли олма кўчатлари етиштиришга эришдим. Олма дарахтлари ва полиз экинларимизни асо-

сан томчилатиб суғорамиз. Бу усул билан суғорилганда катта ҳажмдаги сув тежаб қолинади. Иккинчидан, томчидан ҳузурланиб қониққан мева ва полиз маҳсулотларининг таъми бошқача, — дейди. Сариосиё туманидаги "Боби-Бустон" бобдорчилик фермер хўжалиғи раҳбари Носирхон ота Тўрақулов.

Бу фермер қишлоқ хўжалиғида катта таърибга эга. Шу боисдан ҳам фермер хўжалигининг иқтисоди бақувват. Ўтган йилги соф фойда ҳисобидан ўзи истиқомат қилиб келатган қишлоқдаги мактабни капитал таъмирлаш ва 4 та қўшимча синфхона қурилишига маблаг ажратди. Хозиргача Сариосиёда бирор байрам ёки шодиёна Носирхон отанинг химматини ўтмайди.

Ха, бағри боблари каби кенг, саховатпеша бундай инсонларнинг ҳаётини юртдошларимизга ибрат қилиб кўрсатсак, арзийди. Негаки, юрт ободлиғи, дастурхонларимиз тўқилганда Носирхон Тўрақулов каби инсонларнинг хизматлари беқийс.

Сурхон воҳасида

МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Денов туманининг 753 та фермер хўжаликлари бу йил 12972 гектар пахта майдонларининг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлашган. Шу кунларда улар йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Қўлтиқчи, суғориш, заракуналларга қарши кураш каби агротехника тadbirkorлари муваффақиятли яқунланмоқда. Теримчиларга этаклар, хирмонжойлар, қабул пунктлари ва тош-тарозилар тахт.

— Корхонамиздаги мавжуд 31 та "ОВХ" аппаратлари билан 9495 гектар гўза майдонларида дефолиация ўтказишни муваффақиятли бошладик, — дейди туман қишлоқ хўжалик қимё корхонаси директори Жуманазар Зулфқоров. — Мазкур жараёнга жалб этилган механизаторлар 10 та отряд (гурӯҳ)га бўлиниб, гўза баргини сифатли туқиш ишларини олиб боришяпти. Масалан хозир "Хазарбоб" СФУ (сувдан фойдаланиш уюшмаси)га қарашли далаларда Эргаш Исаев, Уктам Авазов, Музаффар Қобилов, ака-ука Эргаш ва Баходир Уроловлар, "Наврӯз" СФУсида Хидир Қаландаров, Холжат Бобатов, "Холчийн" СФУсида Холбой Эшқобилов сингари механизаторлар барчага ибрат бўлмоқдалар.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

Қишлоқ мулкдорлари

КАСБИМ ҲАМ, УНВОНИМ ҲАМ ДЕҲҚОН

дейди арнасойлик фермер Рустам ЎТАБОВ

Танишинг: Рустам Ўтабобов, 1959 йилда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида туғилган. Мутахассислиги иқтисодчи. Тошкент Давлат аграр университетини битирган. Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Сирдарё вилоятидаги "Малик" пахта тозалаш заводида оддий ишчилардан бошлаган. Узоқ йиллар Арнасой туманида пахтачилик биригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган. 1992 йилдан буён шу тумандаги "Лочин" фермер хўжалигининг раҳбари. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ходими" фахрий унвони билан тақдирланган.



Очиғи, илгари ҳам бу фермер амалга ошираётган ишлар ҳақида кўп мактовлар эшитганман. Ўрта жусали, гавдаси қотмадан келган, юз-кўзидан деҳқонларга хос оддийлик ва салимийлик ҳамда шижоат сезилиб турган фермерни топиш осон бўлмади.

— Уни даладан топасизда, — деди — шу қишлоқлик ёш йигит.

Саратоннинг ҳазирамаси оз бўлса-да, ҳовуридан тушай, демайди. Иссиқдан лоҳас сезади, киши ўзини. Ана шундай дамба ҳам тиним билмайдиган деҳқонга тасаннолар айтишнинг келди. Рустам ака билан тезда тил топишиб кетдик.

— Мен — деҳқонман, — сўз бошлади у. — Одамлар бир-бирлари билан танишганларидан одатда, олдин исми-шарифини, сўнг, касби-корини сурашади. Меннинг касбим эса — деҳқон. Сураганларга ҳам шундай жавоб бераман. Расмий идораларнинг сўровномаларига ҳам...

Ростини айтсам, 1992 йилда "Лочин" фермер хўжалигини ташкил этганимда, мулкчиликнинг бу шакли, унинг истиқболлиги тўғрисида кўпчилик қатори ўзимда ҳам аниқ-тиниқ та-

саввур йўқ эди. Фақат бир нарсани — фермернинг деҳқон эканлигини билардим. Менга шунинг ўзи етарли эди.

Айниқса, фермер хўжалигимга "Лочин" деб ном қўйишим — баъзи бировларга ёқмади. "Кечагина ширкат раисининг кўрсатмасидан ташқари иш қилмаган бригадир парвозни оруз қилиб қилиб" дея истихзоли гаплар ҳам қилишганини ҳали хануз эслайман. Аслида, фермер хўжалигини учинчи ўғлим — Лочинбекнинг номига қўйгандим. Шунинг учун парвоз тўғрисидаги кинояларга хафа бўлиб ўтирмадим... Аксинча, бундай "киноя"лар менга янада каттиқ ишлашимда, элулу олдиди юзим ёруғ бўлишида ўзига хос "далда" вазифасини ўтади.

— Тўғриси, — давом этди у, — Ўзбекистонда Мустақиллик тўғрисида бошланган буюқ ўзгаришларнинг, мамлакат Президентининг саъй-ҳаракати билан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда қўйилган янги қадамнинг бошланиши эканига ўшанда айримларнинг идрокки етмаган-да. Бу ҳаракатга биринчилардан бўлиб қўшилишим учун

моддий имкониятим етарли бўлмаса-да, руҳан тайёр эдим. Деҳқон оиласида туғилиб, даланинг меҳнати, пахтанинг захмати билан вояга етган, бунинг устига 1979 йилда 1992 йилгача шу ерда — Арнасой туманидаги Бобо Файзиев номида ширкат хўжалиғида бригад бошлиғи бўлиб ишлаб юриб, даланинг паст-баландини билсам, яна Тошкент Давлат аграр университетининг иқтисод факультетини битирган олий маълумотли мутахассис бўлсам, нега истиқлолнинг деҳқонга берган неъматини мустақил иш юритиш имкониятидан фойдаланмаслигим керак?!

Бунинг устига, Юртбошимиз фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, юрт маъмуричилиги, деҳқон фаровонлиғи фермерликда

эканини тинимсиз ўқтираётган бўлса, нега энди иккинчилик керак эди?

Деҳқончиликда орттирган кўп йиллик таърибимни ишга солиб, биринчи навбатда ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилдим. Орттирган даромадимни ҳам аввал ерга сарфладим, ер билан дўстлашдим, тиллашдим. Меҳнатларим бесамар кетмади. Йилдан йилга ернинг қуввати ошиб борди.

Биргина ўтган йили арик-зовурларни тозалаш, тик ва ётиқ дренаж қудуқларини таъмирлаш, ернинг шўрлини ювишга 15 миллион сўмдан ортиқ маблаг харажат қилдик. Фермер хўжалиғи ташкил этгандан буён ернинг бонитетини 38 дан 61 га кўтардик. Илгари ҳосилдорлик — пахтачини 20 центнердан; ғалланики

Ўзбекистон «Адолат» СДП
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

Бунёдкор халқимизни, қалби юртимизни янада яшнатиш ишқи билан тўлиб тошган юртдошларимизни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг барча аъзоларини, партиянинг хайрихоҳларини Энг улуг, энг азиз айёминимиз —

Мустақилликнинг
17 йиллиғи билан
самимий муборакбод этади.

Қувончу шодликларга тўла бу бетакрор байрам барчамизга муборак бўлсин!
Жаннатмакон юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётга асло кўз тегмасин!
Юртимиз обод, элимиз фаровон, истиқлолимиз абадий бўлсин! Ҳар бир кунимиз қувончу шодликларга йўғрилсин!

Сафларимиз кенгайиб, янада мустаҳкамлансин! Истиқлол айёми ҳар бир хонадонга файзу барака олиб кирсин.
Байрам кайфияти Сизларни асло тарк этмасин.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин!


ДУНЁ КЎЗГҮСИ

ЎҚИТУВЧИ ДАРСГА
ҚУРОЛ БИЛАН КИРАДИ

АҚШнинг Техас штати Харролд округи маъмурияти муаллимларнинг ўз ўзини муҳофаза қилишлари учун дарсларга қурол билан келиш (қириш)ларига рухсат берди.

Қуролдан фойдаланишга рухсат олиш учун муаллим олдин белгиланган муассасага мурожаат қилиши ва унинг махсус курси ўқуви ҳамда машқларидан ўтиши керак. Ҳалокатли ҳавфларни камайтириш мақсадида махсус патронлардан фойдаланиш назарга олинган.

Негаки, бугунги кунда АҚШ ўқув даргоҳларида сўнгги йилларда ўқувчи, талаба (ёхуд бошқа шахслар) томонидан отишмалар рўй бераётган ҳолатлар тез-тез учраб турибди. АҚШ ҳудудидаги мактабларда биринчи бор жорий этилаётган бундай ҳавфсизлик чораси мамлакатнинг бошқа штатларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

ЭРОН ФАЗОГА
СУНЬИЙ ЙЎЛДОШ УЧИРДИ

IRNA маҳаллий ахборот агентлиғи хабарига кўра, Эрон ўзининг илк сунъий йўлдошини фазога "Омит" ("Умид") номи билан учирган.

Йўлдош қурилмаси жойлашган ракета самога муваффақиятли қичиб олган. Бу билан Эрон ер орбитасига сунъий йўлдош учуриш технологиясини ўзлаштирган ўн биринчи давлат бўлди.

ИСРОИЛ САРҲАДИ ЁПИҚ

Мамлакатнинг Ғазо сектори билан чегараси вақтинча ёпиб қўйилди.

Рейтерс агентлиғи хабарига кўра, бунга Исроилнинг "ХАМАС" томонидан ўққа тутилиши сабаб бўлган. Чегарадаги назорат манзиллари бир неча кун ёпиб қўйилганини мамлакат мудофаа вазирлиги Эхуд Барак маълум қилган. Чунки ҳафтанинг сешанба кўни "ХАМАС" назорати остидаги ҳудуддан отилган ракета аҳоли яшамайдиган жойга бориб тушган.

Эслатиб ўтамиз, томонлар ўртасида шу йил 19 июль кўни тузилган ўзаро тинчлик сулҳи бор эди. Шундан кейин Исроил томонга ракеталар отилиши камайган бўлса-да, "ХАМАС"чилар сулҳга тўла амал қилишмади.



Beijing 2008
Олимпиада

(Давомий. Бошланғичи 1-бета)

Дастлаб Георгита Стефан (Руминия) устидан ишончли галаба қозongan ҳамюртимиз чорак финалда грециялик спортчиға рубару келди. Ярим финалда Сослан Тигиев белорусиялик Мурод Гайдаровага қарши ғиламга чиқди ва унда рақибига ҳеч қандай им-

миз — Заурбек Сохиев (84 кг.), Курбон Курбон (96 кг.) ҳамда Артур Таймазов (120 кг.)лар медаллар учун курашни давом эттиришди. Гарчи, бу курашчиларимизнинг барчаси ўз вазн тоғиларида турли нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндорлари саналишса-да, кўпчилик Афина олимпиадаси олтин медали совриндори ҳамда икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазовнинг имкониятини юқори баҳолашган. Яқунда ҳам шун-

хисобда енгди. Чорак финалда ҳамюртимизга Дисней Родригес (Куба) рубару келди. Рақибига нисбатан ҳар жиҳатдан устун бўлган Артур кубалик спортчиға ҳеч қандай имконият қолдирмади — 7:1.



Ёдингизда бўлса, Артур Таймазов 2000 йилда Сиднейда ўтган XXVII ёзги Олимпия уйинларида кумуш медалга сазовор бўлган. Ушунда ҳамюртимиз ҳал қилувчи учрашувда словакиялик Давид Мусульбесга ол-

курашчиси Бахтиёр Аҳмедовлар ўртасида бўлиб ўтди. Унда тақрибали спортчимизнинг маҳорати эвазига учрашув атиги икки бўлим давом этди ва ҳамюртимиз иккинчи маротаба Олимпия чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди — 3:0. Артур Таймазовнинг ушбу оламшумул галаба Ўзбекистон спортчиларига Пекин олимпиадасидаги ilk олтин медални тўхфа қилди.

Халқимиз бу галабани ориқиб кутаётган эди. Бунгача эса спортчиларимиздан дзюдочимиз Ришод Собиров (60 кг.) мусобақаларнинг биринчи кунда бронза медалини қўлга киритиб, барчамизни хурсанд қилган. Орадан кўп ўтмай унинг ортидан яна бир полвонимиз Абдулла Тангриев (+100 кг.) кумуш, батутчимиз Екатерина Хилько бронза медаллари билан тақдирландилар. Сўнгра моҳир гимнастикчимиз Антон Фокин Пекин олимпиадаси шохсупасининг учинчи поғонасидан жой олиб, терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар сонини оширганди.

Айни пайтда бутун дунё спорт ишқибозларига олам-олам қувонч ва ҳаяжон тортиқ этаётган Пекин олимпиадаси баҳслари 24 август кунини ўз низоҳасига этади. Ҳозиргача мустақил юртимиз спортчилари битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалларига сазовор бўлишган. Вакилларимиз яна байдарка ва каноеда эшак эшиш, таэквондо (WTF) турлари бўйича медаллар учун курашни давом эттиришмоқда. Ана шу мусобақаларда Ватанимиз спортчиларига омад тилаймиз.

Самандар
БОБОРАЖАВОВ,
Анвар ИЛЕСОВ
("Жаҳон" АА)
олган суратлар.



коният қолдирмади — 2:0. Финалда эса курашчимиз икки карра Олимпия чемпиони Бувайсар Сайтиев (Россия) кўтиб турарди. Ўзига нисбатан саккиз ёш катта рақибга нисбатан бир мунча тезкор ҳаракат қилганига қарамай яқунда Сосланга бироз тақрибга етишмади ва кумуш медал билан қийофланди.

Беллашуларнинг сўнгги кунда бир йўла уч вакили-

дай бўлиб чиқди. Дастлабки давра учрашувларини муваффақиятли бошлашига қарамай Заурбек Сохиевдан нимчорак финалда, Курбон Курбондан эса чорак финалда омад юз ўтганди. Улар орасидан маҳоратли ва номдор курашчимиз Артур Таймазовгина барча учрашувларда зафар кўчиб, финалгача етиб борди. У дастлаб озарбайжонлик Али Исаевни 6:3

тин медални бой берганди. Пекин олимпиадаси ярим финалида Артур айнан ўша словакиялик курашчиға қарши ғиламга чиқди. Унда рақиб устидан ишончли галаба қозongan вакилимиз финал йўлнамасини нақд қилди ва Сидней ғиламларидаги мағлубият аламини олди.

Ҳал қилувчи беллашув Артур Таймазов ҳамда Россиянинг биринчи рақамли

БАРЧА ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ 17-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ТОМОНИДАН
ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

ОЧИҚ
АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ



барча юридик шахслар учун
қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Амал қилиш муддати	Жами сумма (сўмда)	Фоиз ставкаси (йиллик)
6 ой	1 000 000 000 гача	12 %
13 ой	7 000 000 000 гача	13 %
36 ой	1 000 000 000 гача	14 %

Маълумот учун телефонлар:
244-25-81, 244-12-74, 700-55-55.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй.

Тошкент вилояти Пскент туманидаги 17-умумтаълим мактаби томонидан 1992 йилда туғилган Ёкубова Дилором Юнус кизи номига 2007 йилда берилган U 0173184 рақамли аъло даражали шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ён дафтардан

ФИКР
УЛҒАЙТИРАДИ
(Кўнгилда
кечган ўйлар)

* Кусуратнинг яшовчанлик сабаби шундаки, хато-ларимизнинг оқибат-натияжларга қанчалик дахлдор эканлигини била туриб ҳам, ўзимизни кўрмаганга ва билмаганга олиб юрамиз.

* Мухими — дунё эмас, муҳими — биз киммиз?
* Ҳаёт экансан, соянг ўзинг билан бирга эргашиб юраверди.

* Одам табиатан шухрат-парастликка мойилроқ бўлади, лекин ҳар ким ҳам шунга яраша хизмат қилишга қодир эмас.

* Сўрбетда ҳам инсоф бўлади, лекин гап унинг виждонини қандай уйғота олишда.

* Одам тарбиясига амру маъруфдан кўра шахсий ибрат қучилроқ таъсир ўтказди.

* Қанчалик қуонманг — бўлар иш бўлаверди, бироқ соғлом фикрни қадрлашгани келажак сари дадил етаклайди.

Муродулла ҒАФУРОВ.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

Мамлакатимизнинг барча
фуқароларини

Мустақиллигимизнинг

17 йиллиги байрам билан

чин дилдан

самимий муборакбод этади.

Сиз, азизларга мустақкам соғлиқ,

оилангизга бахт-саодат,

хонадонингизга шоду хуррамлик,

дастурхонингизга қут-барака тилайди.

Юртимизда тинчлик, осойишталик

доимо ҳукмрон бўлсин.

Байрам муносабати билан Сизларга

янги «Мустақиллик совғаси»

ютуқли омонат турини

таклиф этамиз.

Омонатга пул маблағлари 3 ой

муддатга чекланмаган миқдорда

Халқ банкининг барча муассасалари

орқали қабул қилинади.

Сиз фоиз даромадини олиш

билан бир вақтда қўшимча

1 000 000 сўм пул ютуғи совриндори

бўлиш имкониятига эга бўласиз.



Халқ банкига аҳоли омонатларининг
дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибят
— 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазояр ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Татъят МУРОДОВ.

Газета таҳририйт компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририйт
руҳсати билан амалга оширилади.
† — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Набатчи муҳаррир — Муродулла ҒАФУРОВ
Набатчи — Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ